

## **ФОРС КЎРФАЗИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ ҲИКОЯНАВИСЛИГИДА АДИБАЛАР ИЖОДИ**

**Ахмедова Шахло Иргашбаевна**

филология фанлари номзоди, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети

+ (99890)316-70-71

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада араб ҳикоянавислигининг салмоқли қисмини ташиқил этган Кўрфаз араб мамлакатларида аёлнинг оила ва жамиятдаги тутган ўрни ўз ифодасини топган. Шунингдек, Кўрфаз адибалари асарларида аёлни жамиятнинг тенг аъзоси, яъни социум сифатида намоён этишлари хусусида сўз юритилган.*

***Таянч сўзлар:** Халиж араб мамлакатлари, адибалар ижоди, социум, тенгҳуқуқлик, шахсиятлараро муносабатлар, умуминсоний қадриятлар, “мазлума шарқ аёли”, XX аср, Қатар, Уммон, Бирлашган Араб Амирлиги, Кувайт, Баҳрайн.*

### **ABSTRACT**

*In this article, the role of women in family and society is expressed in the Gulf Arab countries, which constitute a significant part of Arab storytelling. Also, in the works of Gulf writers, it is mentioned that women are represented as equal members of society, that is, society.*

***Key words:** Khalij Arab countries, literary creativity, society, equality, interpersonal relations, universal values, "oppressed oriental woman", 20th century, Qatar, Oman, United Arab Emirates, Kuwait, Bahrain.*

### **КИРИШ**

Аёл муаммоси унинг озодлиги, ҳақ-ҳуқуқи ва жамиятда тутган ўрни араб Шарқида XIX асрдан яъни, янги даврдан энг муҳим мураккаб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Кўрфаз араб мамлакатларида бу муаммо XX аср бошидан вужудга келган бўлса ҳам, ушбу аср иккинчи ярмидан айниқса, долзарб аҳамият касб этди ва ёзувчи аёллар равнақ топиб уларнинг ижодида ўз ифодасини топди. Бу вазият аёлларнинг ижодини таҳлил қилишда уларга ижтимоий-маданий нуқтаи назардан ёндошишни тақозо қилди ва ўз ўрнида аёл муаммосини адабиётда кенгроқ ёритишга имконият берди. Чунки миллий маданиятнинг намоёндаси бўлган ижодкорлар асарлари араб аёли тақдирида

жумладан, Кўрфаз аёли тақдирида XX асрда рўй берган ўзгаришларни ишончли равишда таҳлил этишга йўл қўяди.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Маълумки, XIX аср охири XX аср бошида Бутрус Бўстоний, Қосим Амин, Ҳофиз Иброҳим, Маъруф Русафий каби ислоҳотчи маърифатпарвар адиблар араб аёлини ижтимоий-маънавий озодлиги, тенгҳуқуқчилиги учун кураш олиб боришда бу йўлда кўп тўсиқларга дучор бўлишди, чунки улар жамиятни ривож ва равнақи аёлнинг жамиятда тутган ўрнига боғлиқ деб қатъий ҳисоблашарди. Аёлга таълим бериш жамият учун, ёшларни тарбияси учун фойдали ва зарур фаолият деб топилди.

Албатта, турли мамлакатларда аёлнинг жамиятда тутган ўрни масаласи, унинг асрлар давомида ҳукм сурган ва шахс сифатида тан олмасдан руҳан эзиб келган одат-удумларни бартараф этишлар турлича кечди ва бу масала ижтимоий-тарихий ўзига хосликдан келиб чиқди. Масалан, Кўрфаз араб мамлакатларида, Машриқ ва Мағриб араб мамлакатларида аёлни озод қилиш масаласи анча кеч бошланди. Кувайт ва Баҳрайнда XX аср биринчи ярми ниҳоясида, бошқа Кўрфаз мамлакатларида Қатар, Уммон ва Бирлашган Араб Амирлигида эса XX аср иккинчи ярмидан бошланди. Аммо бу жараён Кўрфаз мамлакатларида тезкорлик, шиддат билан ўтмоқда. Баъзи Кўрфаз аёл ёзувчилари Фавзия Рашид, Худа Наимий, Шайха Нахий, Фотима Юсуф Али ва бошқалар аёлни жамиятнинг тенг аъзоси сифатида, яъни социум сифатида намоён қилиш учун бу муаммога кескинроқ ёндошдилар. Ва улар ўзларининг муаммоларини тақдим этишга айна ижодиётнинг жарчиси сифатида фойдаланишни танладилар. Бу омиллар аёл ижодини, жумладан аёл ҳикоянавислигини ривожига олиб келди ва адабий майдонда кўп муаллифа адибалар номлари пайдо бўлишини таъминлади. Масалан, Кувайт ёзувчилар уюшмасида аёл ёзувчилар сони эркаклардан кўпроқдир.

Аёлга таълим бериш, тенгҳуқуқчилигини таъминлаш, унинг ижодий ва ижтимоий салоҳиятини очишга шарт-шароит яратиш ва ундан жамиятда самарали фойдаланиш зарурлиги энг консерватив араб жамиятида ҳам тушунила бошланди.

Аммо Кўрфаз аёлига анъанавий одат ва удумларнинг босими, унинг ҳаётини доимо эркаклар, яъни ота, эр, ака-укалар бошқариши лозим бўлганлиги туфайли, ижтимоий ҳаётдан тўрт девор ичидаги узлатда яшамок тарзидан чиқиши осон бўлмаяпти. Шунинг учун адибалар ижодида бу муаммога бағишланган мавзулар камаймасдан, собит ўрин эгалламоқда. Бу мавзулар XX аср давомида аёл муаммосига бағишланган барча араб асарларига тааллуқли

бўлди. Лекин Кўрфаз адибалари ижоди ўзига хосликка эга бўлиб бошқа араб адабиётидан деярли йўқолган мавзу кўпхотинлик муаммосини кўтаришда давом этмоқда. Сўнгги тадқиқотларимиз таҳлилларидан маълум бўлишича, улар ханузгача “эпик” мавзу ҳисобланган, аёл ва эркак ўртасидаги оилавий ҳаёт учун лозим бўлган нозик (интим) муносабатларни журъат билан ўз асарлари орқали ёритиб, ўзларининг шахсий, интим шуурлари ва ҳис-туйғулари ҳақида очик ошкора баён қилишмоқда.

Халиж мамлакатларида ижтимоий ҳаётдан ажралиб яшаш ҳолати аёл учун секин-аста йўқолиб бормоқда, улар университетларда таҳсил олмоқдалар, журналистика, таълим соҳаларида, давлат муассасаларида фаолият юритмоқдалар. Уларни мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси Кўрфаз адибалари ижодида ўз ифодасини топмоқда.

Кўрфаз адибалари ўз ижодларини XX аср 70- йилларидан “мазлума шарқ аёли” мавзусидан бошлаб, XXI аср арафасида унга жамият аъзоси, ўзини англаб олган социум сифатида мурожаат қила бошлашди. Бадиий жихатдан мисрлик адибалар даражасига етишмаган бўлса ҳам, Сальва Бакр ва Радва Ашур каби адибалардан таъсирланиб, кенг ижтимоий-ахлоқий мавзуларга ёндошиб, ўз йўлларида ҳаракат қилмоқдалар.

XX аср охири XXI аср бошида Кўрфаз араб мамлакатлари адабиёти майдонига адибаларнинг янги авлоди кириб келди- булар Худа Наимий, Шайха Нахий ва бошқалар.

Адибалар нафақат ижодда ўз шахсиятларини ижодкор сифатида намоён этдилар, балки замонавий ёзиш технологиясига эга эканликларини ҳам исботладилар. Улар нафақат бутун араб олами адабий меросини тажрибасини ўрганишди, балки ижодий сафарлар ва ахборот воситалари орқали жаҳон адабий тажрибаси билан яқиндан танишдилар. Адибалар ўзига хос мустақил дунёқарашга эга бўлиб, асарларидаги қаҳрамонлар образи орқали ифода қилиб келмоқдалар.

Умуман араб оламида аёл ижоди XX аср 40-50 йилларида фаоллашган бўлса (баъзи истисно билан) Кўрфаз адибаларининг адабий жараёндаги фаолликлари 60-йиллардан кузатила бошланди.

Нефть пайдо бўлиши билан ижтимоий ҳаётда янги уфқлар очилди ва у Кўрфаз аёлига унинг (у ёки бу минтақада кўп ёки камроқ тарзда) ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида кўпроқ ва чуқурроқ иштирок этишга имконият яратди.

Кўрфаз араб мамлакатлари ҳикоянавис адибалар ижоди бошқа араб минтақаларидаги аёл ижодидан асло қолишмайди. Масалан: Баҳрайнда Мунира Фодил, Фавзия Рашид; Қувайтда: Лайло Усмои, Фотима Юсуф Али, Сурайё Бақсамий; Бирлашган Араб Амирлигида: Салма Матар Сайф, Марям Жума, Майсун Суқр, Зибийа Хамис; Қатарда: Кулсум Жобир ва бошқалар.

Бу номлар минтақада ҳар томонлама хизмат қилиб келаётган катта авлодга мансубдир. Кўрфаз араб мамлакатлари адабиётида аёл муаммосига ёндошишда бир хиллик ёки яқин ўхшашлик кузатилади. Бу яхлитлик асрлар давомида ёнма-ён яшаган халқларнинг анъанавий яшаш тарзи, ўхшаш жўғрофий муҳити, хўжалигидаги турли жиҳатлар, тафаккури ва урф-одати яқинлиги билан шартланади.

Кўрфаз араб мамлакатлари адабиётида аёл (албатта ижобий образ бўлса) - бу оилани фаровонлигини таъминловчи, оиланинг таянчи осойишталик ўрнатувчи инсондир..

XX аср 80-90 йиллар ҳикоянавислигида Кўрфаз араб мамлакатлари адабиётида янги овозлар ўзларини намоен қила бошлади. Фотима Туркий, Лула Маснад ва Маиса ал Халифийлар каби адибалар Халиж адабиёти ривожига катта ҳисса қўшдилар. Адибалар кўтарган асосий мавзулардан-бу аёлларни иродасини кишанлайдиган, уларни фаол ҳаётдан ва жамиятдан узилишларига олиб келувчи анъана ва урф-одатлардан ҳалос қилиш йўлини излаш, хорижда таҳсил олиш муаммоси, таълим олган қизларни ишга жойлашиши ва ижтимоий масалалардир. Ёш авлод ҳикоянависларининг энг аҳамиятли жиҳатлари шундаки, улар катта авлод томонидан ҳалигача сукут сақлаб келинган муҳим муаммоларни кўтаришда журъат кўрсатдилар ва ечим топишга ҳаракат қилдилар.

Кўрфаз араб мамлакатлари адибалари ҳикояларида қизни мажбуран турмушга бериш, муҳаббати поймол бўлиши каби содда таниш сюжет ҳанузгача ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Бу фақатгина маиший ҳаётдан лавҳа бўлиб қолмасдан муаллифни огоҳлантирувчи овозидир, чунки жамиятда бу иллат ҳали ҳам илдиз отган. Чунки аёлнинг қисматини фақат итоаткорлик ва ожизликда кўришни ўрганган ижтимоий тафаккурга сингиб кетган бу меъёрлардан ҳоли бўлишга кўникмоқ ҳуқуқий ҳужжатлар, сайловда ҳуқуқ бериш ёки кўпхотинликни ман этишни қабул қилишдан қийинроқ туюлади. Шунингдек, моҳият ташқи, маиший, юзаки расмиятчиликда эмас, балки ижтимоий онг томонидан ҳамма эътироф этган ва маъқул кўрган доирадаги ички руҳий озодликдир. Аммо бундай руҳий озодликка аёл ҳам, жамият ҳам

тайёр бўлиши керак, чунки такомиллашмаган жамиятда чегараланмаган ҳис - туйғуларга озодлик бериш ҳатарли бўлиб фожеали натижаларга олиб келади.

Ҳозирги кунда Кўрфаз араб мамлакатлари жамиятида аёл мавқеига эркаклар томонидан қарашлар аста - секин ўзгара бошлаганида, эркак адиблар аёлларга инсонга хос “табиий озодлик” беришни ва уни социум сифатида сиёсий- иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётда иштирок этишини қабул қилишни бошлаганида бу мавқега эришган аёл энг аввало оналик бурчи, аёллик латофати ва ибодат-ҳаё чегараларидан чиқмаслигини тўғри деб билишади ва баъзи адибаларни масалан, Лайло Усмон, Фавзия Рашид каби адибаларни аёл масаласини қатъий қўйганлари учун танқид қилишдан ҳам бош тортмайдилар.

Аёлнинг Кўрфаз араб мамлакатларидаги ижтимоий аҳволи ўзгариб бормоқда ва адабиётда ўз ифодасини топмоқда. Агар биринчи босқичдаги адибалар ўз қаҳрамонларини тўрт девор ортида қолиб кетганини, ва уларнинг ўша девордан ташқари узлатдаги ҳаёти тўғрисида нидо қилган бўлса, кейинги босқичлардаги адибалар умуминсоний муаммоларга ўтиб, ўз қаҳрамонларини тўлақонли шахсият сифатида тақдим этишади.

Аёл жамиятдаги аҳволига жамоада бўладиган шахсиятлараро муносабатлар сифатида ёндошади. Ўзининг ҳаётини дунёқарашини ифода этади, инсоннинг бурчи ва қисмати, унинг ҳуқуқ ва вазифаларини ажралмаслиги, озодлик ва масъулият тўғрисида баён қилади.

Агар адибаларнинг биринчи авлоди Лайло Усмон, Фотима Юсуф Али Хадая Султон, Шайха Нахий асарларида қаҳрамон аёл образи эркаклар билан ижтимоий ва касбий тенглик тўғрисида сўз борса, сўнгги авлод вакиллари адибалар Фотима Туркий, Лула Маснад, Маиса Халифийл ва Сита Азбаба ҳикояларидаги аёл қаҳрамонлар шахсият сифатида ўзининг ҳис туйғулари ҳам озод бўлиши ифода этилади.

Ота образи Кўрфаз адибалари ҳикояларида анъанавий образ, бу образ бутун араб адабиётида ўзига хос аҳамиятга эга.

Кўрфаз ҳикояларида у маҳобатли оила бошлиғи, бутун оила аъзоларининг тақдирини ҳал қилувчи образ, унинг осойишталигини ва барқарорлигини таъминлайди. Аммо баъзида фарзандлари бахтига тўғаноқ бўлади, эски сийқаси чиққан одатлар ва удумлар чегарасидан хатлаб ўтишни ҳоҳламайди, янги ҳаётини шамоллар эсишини қабул қилмайди. Шунда фарзандлари (кўпинча қизлари) унинг иродасини қурбони бўлиб чиқади.

Кўрфаз адибалари орасида Қатар адибаси Шайха Нахий ҳикоя жанрини ўз фикр мулоҳазаларини ифодлаш учун у ҳоҳ сиёсий ёки ижтимоий масалага бағишланган бўлсин қулай имконият деб топди. Машҳур маърифатпарвар



Қосим Амин каби, аёл ҳолатини яхшилашда ислом кадриятларига таяниб, ислом маданиятида аёлга паст назар билан қараш борлигини рад этади.

Ҳикоянавис адиба Шайха Нахий аёлни айш-ишрат қурбони қилиб кўрсатишдан воз кечади, уни бу муаммодан баландроқ кўтаради. Асарларида ифбатли аёлларни тавсир қилади ва амирлик аёлини катта тоифасини кўрсатади. Унинг қаҳрамон аёллари ҳикоянавис адибалар Амина Абдуллоҳ ва Салма Матар Сайф қаҳрамонларидан фарқ қилади. Уларнинг қаҳрамонлари йўлдан адашган, оиласига хиёнат қилган аёллардир. Нахий фикрича, бундай аёллар амирликлар жамияти учун хос эмас деб ҳисоблайди. У сўнгги авлод вакилларини поклик йўлини танлашга ундайди ва мамлакатни маданий, ижтимоий ва маърифий раванқини кўзлаб мақсад қилинган адабиёт яратишга даъват қилади.

Хулоса ўрнида адибалар ижодига баҳо берар эканмиз, улар Кўрфаз араб мамлакатлари адабий мактабини мазмунан ва шаклан бойитишда катта роль ўйнадилар ва умуминсоний кадриятларга ёндошдилар.

#### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):**

1. ميرزا عليسارا . "يتحققلمحلم". 2003 قطر. القصيرةالقصصةفيقطريةاصوات .
2. محمدةعبد الرحيم كافود القصصة القطرية انشاء التطور ط ا دار قطرى بن الفجاءة – لدوحة1996
3. حسن رشيد و د مراد مبروك جدية العجز و الفعل فى القصصة القصيرة فى قطر إصدارات المجلس مطابع رينودا ط 1999
4. الشباط عبد الله احمد. ادباء فى الخليج العربى. –الكويت، دار الوطنية الجديدة للنشر و التوزيع 1986 الرياض،
- 5.هدى النعيمى اباطيل دار المصرية اللبنانية القاهرة ط ا 2001.
6. عام 2001 نورة محمد فرج الطوظم دار الكنوز الادبية ط ا بيروت.
7. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). "SYMBIOSIS OF ARTISTIC TRENDS IN CONTEMPORARY LITERATURE OF THE ARAB COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF." CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758) 2.09, -P.105-109.
8. Ahmedova, Shahlo Irgashbaevna. (2021). "BAHRAYN YOZUVCHILARI FAVZIYA RASHID VA AMIN SOLIH HIKOYALARI USLUBI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 1.Special Issue 2,-P. 85-90.
9. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). "Ideological and artistic searches in the short stories of the arab countries of the persian gulf at the beginning of the XXI century."Asian Journal of Multidimensional Research 10.10,-P. 838-842.

10. Ahmedova, Shahlo Irgashbaevna. (2021). "XITOY VA KO 'RFAZ ARAB MAMLAKATLARI YOZUVCHILARI ASARLARIDA MAGIK REALIZMNING XUSUSIYATLARI VA USLUBLARI." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 1.Special Issue 1,-P. 369-375.

11. Akhmedova, Shahlo. (2017). "NOVELLISTICS IN THE ARAB COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF." *International Scientific and Practical Conference World science. Vol. 5. No. 4, -P.9-11*

12. Ахмедова Ш. И. (2022) ЯПОН ВА ҚУВАЙТ АДИБАЛАРИ ХИКОЯЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ // *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 22. – С. 24-27.*

14. Akhmedova, Shakhlo Irgashbayevna (2022) FORMATION AND IMPROVEMENT OF REALISTIC STORY IN KUWAIT AND BAHRAIN LITERATURE // *ORIENSS. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/formation-and-improvement-of-realistic-story-in-kuwait-and-bahrain-literature>*

15. Akhmedova, Shakhlo Irgashbayevna (2023) LITERARY CREATION IN THE GILF ARAB COUTRIES . // *Arab globallashuv davrida innovasion yondashuvlar va oqitish metodikasi. OzDJTU. Dekabr. 2023.-P124-129* <https://inlibrary.uz/index.php/arabic-language/article/view/28428>